



ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 41 (16.124)

18 февраль 1975 йил, сешанба

Баҳоси 2 тийин

ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛНИНГ ЮКСАК МАЪРАЛАРИ

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1975 йилги СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқнинг барча меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан комплекс программани амалга ошириш учун эр-ғайрат билан курашмоқдалар.

Республика пахтакорлари 1974 йилнинг мураккаб об-ҳаво шароитида сув таъминоти орқасида рўй берган катта қийинчиликларни енгиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга 5 миллион 330 минг тонна янги халқ хўжалик планида мўлжалланганидан 753 минг тонна кўпроқ пахта сотдилар. Давлат беш йилликнинг тўрт йили мобайнида 19 миллион 458 минг тонна, ёки халқ хўжалик планида кўзда тутилганидан 2 миллион 47 минг тонна зиёд пахта олди.

Ўтган йили рекордчи янги ҳосил етиштириш билан бирга энг юксак ҳосилдорликка ҳам эришилди — ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 30,8 центнердан пахта олинди.

Республиканинг ҳамма областлари ва Қорақалпоғистон АССР ўзган пахта хирмони учун, социалистик мажбуриятларини бажариш учун умумхалқ курашига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Қорақалпоғистон АССРдаги хўжаликлар давлатга 371


минг тонна, Андижон областидаги хўжаликлар 606 минг тонна, Фарғона областидаги хўжаликлар 584 минг, Самарқанд областидаги хўжаликлар 530 минг, Бухоро областидаги хўжаликлар 508 минг, Тошкент областидаги хўжаликлар 452 минг, Сурхондарё областидаги хўжаликлар 452 минг, Хоразм областидаги хўжаликлар 435 минг, Наманган областидаги хўжаликлар 424 минг, Қашқадарё областидаги хўжаликлар 371 минг, Сирдарё областидаги хўжаликлар 336 минг ва Жиззах областидаги хўжаликлар 261 минг тонна пахта сотдилар.

Хоразм областининг пахтакорлари ҳар гектар ердан 41,3 центнер, Сурхондарё областининг пахтакорлари 33,3, Андижон областининг пахтакорлари 32,7, Тошкент областининг пахтакорлари 32,1 центнердан пахта олдилар. 40 гектар ердан 35-40 центнердан пахта олган 17 район, 40 центнердан зиёд ҳосил кўтарган 11 район ҳосилдорликда юксак натижаларга эришди. Пахтани райондаги хўжаликлар ҳар гектар ердан 44,9 центнер, Хива райондаги хўжаликлар 43,7, Янгиёул райондаги хўжаликлар 43,5, Богот райондаги хўжаликлар 43,4 центнердан ҳосил олди. Тўртқўл райондаги Охунбобоев номи ва М. Горький номи колхозлар, Пахтани райондаги Оржоникидзе номи, К. Маркс номи ва Киров номи, Шўрчи райондаги «Ленинбод», Денов райондаги 8-Март ном-

ли ва «Социализм» колхозлари, Оққўрғон райондаги Навоий номи, Янгиёул райондаги «Коммунизм», Бука райондаги «Октябрь 40 йиллиги», Хонқа райондаги Охунбобоев номи, Қўшқўпир райондаги Охунбобоев номи ва Хива райондаги Фрунзе номи колхозлар энг юксак ҳосилдорликка эришиб, ҳар гектар ердан 45-50 центнер ва бундан ҳам кўпроқ пахта етиштирдилар.

Механизаторлар пахта тайёрлашининг юксак суръатларига эришишда ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Улар техникадан гоёт унумли фойдаланиб, ҳосилнинг ярмидан кўпрогини — 2,7 миллион тонна пахтани машинада териб олдилар. Сирдарё областининг механизаторлари бутун ҳосилнинг 77 процентини, Тошкент областининг механизаторлари 72 процентини, Жиззах областининг механизаторлари 66 процентини, Самарқанд областининг механизаторлари 60 процентини машинада териб олдилар. Республикадаги кўпгина район, колхоз ва совхозлар бутун ҳосилнинг 75-80 процентини, Илчиқ, Оқотин, Бойвут, Учқўрғон, Норин, Задарё, Қўйи Чирчиқ, Оқори Чирчиқ районлари машина терим салмогини 80-90 процентга етказдилар.

(Давоми иккинчи бетда).



Жиззах райондаги Ҳамид Олимов номи колхоз механизаторлари қўллаган энг юксак ҳосилдорликни ҳар томонлама пухта ҳосиллаштиришда кўп ҳисса қўшди. Колхоз устаконасида ремонтдан чиқарилган техника сифат номисисис томонидан юқори баҳолини-монда, 55 та чопиқ ва 14 та ҳайдов тракторлари, 198 комплект борона, 32 та чигит экиш селласи ва бошқа зарур техника ремонтдан чиқариб қўйилди. Суратларда: (юқоридан пастрга). 1. Колхоз бош инженери Қ. Мирзаев (чапда) ва механизатор Х. Соатов ремонт қилинган деталь сифатини кўздан кечирмоқдалар. 2. Ремонтдан чиқарилган техника старт майдонида. 3. Ремонт пешнадаги слесари Қ. Хошимов иш устида.

Ж. Тўраев фотолари.

СССР—АНГЛИЯ:

МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК УЧУН

Л. И. БРЕЖНЕВ Г. ВИЛЬСОН БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 17 февраль кўннинг биринчи ярмида Буюк Британия Бош министри Г. Вильсон билан суҳбатлашди.

Улар амалий конструктив вазиятда баъзи халқаро проблемалар

юзасидан ва бугун имзоланган Совет—Англия ҳужжатларида белгилаб берилган кенг доирада СССР билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлигини кучайтиришда доир масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

(ТАСС).

СОВЕТ—АНГЛИЯ МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

17 февраль кўни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Буюк Британия Бош министри Г. Вильсон ҳамда ташқи ишлар ва ҳамдустлик ишлари министри Ж. Каллаган ўртасидаги музокаралар давом эттирилди.

Бир қанча муҳим халқаро масалаларни, шунингдек Совет Иттифоқи билан Буюк Британия ўртасидаги икки томонлама мусоабатлар масалаларини муҳомада қилиш конструктив, ишчанлик вазиятида поинига етказилди. Бунда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик негизида ҳар томонлама конкрет ҳамкорлик қилишни кенгайтириш зарурлиги тўғри-

сидаги муштарак фикр изҳор этилди.

Бўлиб ўтган Совет—Англия музокараларининг натижаларини аёнлаб, томонлар ўз ўрталаридаги ҳамжиҳатлигини, ишонч ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга иккала томон ҳам интилаётганлигини, улар бунда Совет Иттифоқи билан Буюк Британия ўртасидаги мусоабатларда ҳар икки мамлакат халқларининг бахт-саодати, халқаро тинчлик ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида янги босқични бошлаб беришни кўзда тутганликлари таъкидлаб ўтилди.

Шу кунларда Москвада бўлиб ўтган музокараларнинг натижалари тегишли Совет—Англия ҳужжатларида акс эттирилди, бу ҳужжатлар юксак даражада имзоланиш ва матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

БУЮК БРИТАНИЯ ЭЛЧИХОНАСИДА ЗИЁФАТ

17 февралда Буюк Британия Бош министри Гарольд Вильсон Москвада Буюк Британия элчи-хонасида нонушта зиёфат берди.

Зиёфатда Совет томонидан А. Н. Косигин, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министри ва бошқа расмий ки-шилар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

СОВЕТ—ФРАНЦИЯ ЭКСПЕРИМЕНТИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ

ТАСС АҲБОРОТИ

Совет ва Франция олиқлари 15 февралда магнитвий пайваста райо-нлар, Кергелен ороли (Хинд океа-ни) — Архангельск областида Ер иносферасида ва магнитосферасида электронларнинг сунъий равишда ин-жекция қилиш ва шуларда бўладиган ҳодисаларни тадқиқ этиш юзаси-дан қўшма эксперимент (АРАКС-по-йяси) иккинчи якуловчи босқичини бажардилар.

Кергелен оролида Москва вақти билан совет 4 дан 36 минут ўтганда совет электрон тозатилган ва плазма генератори ўрнатилган француз эри-

дан геофизик ракетаси учирилди. Уларнинг ёрдами билан токи 0,5 ампер бўлган ва секундида 10 кило-метр чамаси тезликда плазма оқими чиқиб турган ҳолда 27 кэВ ва 15 кэВ энергияли электронлар инжекцияси амалга оширилди.

Эксперимент чоғида Ер магнитос-фераси ва иносферасида электрон-лар сунъий инжекцияси билан ўтувчи жараёнлар тўғрисида жуда кўп маълумотлар олинди.

Олинган маълумотлар ишлаб чи-қилмоқда.

КРЕМЛДА СОВЕТ—АНГЛИЯ ҲУЖЖАТЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

17 февраль кўни Кремлда Со-вет—Англия ҳужжатлари имзо-ланди.

«Совет—Англия қўшма баёноти», «Маслаҳатлашиб туриш тў-ғрисида Совет—Англия протоко-ли», «Ядро қурулини тарқатмас-лиги тўғрисида Совет—Англия қўшма декларацияси» имзоланди.

Бу ҳужжатларни Совет Итти-фоқи номидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев; Буюк Британия бирлашган қироллиги номидан — Буюк Британия Бош министри Г. Вильсон имзолади.

Сўнгра:

«Совет Социалистик Республи-калари Иттифоқи билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги ўртасида ҳамкорлигини ривожлантиришнинг узоқ муддатли программаси»;

«Совет Социалистик Республи-калари Иттифоқи билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги ўртасида фан ва техника соҳасида ўн йил-га мўлжалланган ҳамкорлик про-граммаси»;

«Медицина фани ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик қи-лиш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳуку-мати билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган

қироллиги ҳукумати ўртасидаги битим» имзоланди.

Бу ҳужжатларни Совет Итти-фоқи номидан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин; Буюк Британия бирлашган қиро-ллиги номидан — Буюк Британия Бош министри Г. Вильсон имзо-лади.

Ҳужжатларни имзолаш чоғида Ю. В. Андропов, Л. П. Кирлен-ков, Д. С. Полянский, А. Н. Ше-лепин, Б. Н. Демичев, Б. Н. По-номарев, М. С. Соловьев, В. И. Долгих ўртоқлар ва бошқа рас-мий кишилар ҳозир бўлдилар.

Англия томонидан ташқи ишлар ва ҳамдустлик ишлари министри Ж. Каллаган ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Совет—Англия ҳужжатлари им-золангандан кейин Л. И. Брежнев совет телевидение ва радиоси мухбирларининг саволларига жа-воб қайтарди, бундан деди:

Совет раҳбарлари Англия раҳбарлари билан олиб борган бу музокаралар сўнгги ўн йил мобайнидаги энг узоқ давом эт-ган музокаралар бўлса керак. Ле-кин саф фаят бўлганда эмас. Гап яна шунида, муҳомада чо-пида жуда кўп масалалар кўриб чи-қилди. Совет—Англия сийсий ва иқтисодий мусоабатлари биринчи ўринда турди. Сўнгра кўпгина халқаро масалалар устида гап

борди. Мен ҳар икки томон зарур бўлган фойдали иш қилди, деб ҳисоблайман. Бу иш бир қанча муҳим сийсий ҳужжатларни имзо-лаш билан поинига етказилди. Бу ҳужжатлар бугун ва эртага ма-тбуотда эълон қилинади. Энг муҳи-ми ана шулардан иборат, деса бўлади.

Г. Вильсон эндигина имзоланган ҳужжатларни қисқача қандай та-рифлаб бера оласиз, деган савол-га бундай деб жавоб қилди:

«Маслаҳатчиларимиз, минис-трларимиз ва шахсан ўзимиз ҳў-жжатларни тайёрлаш жараёнида қи-янинг катта ишлардан кейин бу ҳужжатларни Брежнев жаноблари ва Косигин жаноблари билан бир-га имзолашдн гоёт хурсандим.

Биз музокарадан бир ҳафта олдин қўтилган нарсаларга эриш-дик, деб ўйлайман. Мен Москва-га келган аэропортда, шунингдек телевидение ва радио орқали сў-злаган нутқимда бу аниқ ҳар ик-кала мамлакатларимиз ўртасидаги мусоабатларда бурлиш нуктаси бўлиши, янги босқич бўлиб қо-лиши лозимлиги ҳақида гапирган эдим.

Менинг фикримча, биз имзола-ган ҳужжатлар мусоабатларимиз-да ана шу янги босқичнинг рам-ки бўлади. Бу ҳозир ҳамжиҳат-ликка эришган эканмиз уни куч-айтиришимиз, янада мустаҳкам-роқ қилишимиз лозим. (ТАСС).

А. А. ГРОМИКО ЖЕНЕВАГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШ давлат секретари, президентнинг миллий хавфсизлик бўйича ердамчи-си Г. Киссинжер билан учрашиб, унинг 16 февралда Женевага жўнаб кетди.

Ўзаро келишувга мувофиқ учра-шув давомида ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. КПСС Марк-зай Комитетининг бўлим — мудри П. А. Абрахимов, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўрин-босари В. В. Кузнецов ва бошқалар А. А. Громико билан ўзаро аэродро-мида кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Швей-цариянинг Совет Иттифоқидаги эл-чиси Рене Фесслер бор эди.

А. А. Громико шу кунги Женевага келди. А. А. Громико Женевага кели-ши билан журналистларга баёнот берди. Менинг бу сафаримдан мак-сад, деди у, ўзаро келишувга му-вофиқ АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер билан учрашиб ва Совет Иттифоқини ҳамда Америка Қўшма Штатларини қизиқтирувчи масалалар тўғрисида фикрлашиб олишдир.

А. А. Громико ўқитиб ўтдики, фикрлашиб олинган проблемалар СССР ва АҚШ уюлтига эмас, балки шунингдек бошқа мамлакатлар учун ҳам қизиқарлидир. У, бундан фикр-лаш Европада ва бутун дунёда ижобий маъқулланиди, деб ишонч билдирди.

Ўз-ўзидан маълумки, биз айни вақтда умуман бу ерда, Женевада бўлётган воқеалар билан ҳам тани-шиб чиқиб йўналишимиз, матбуот ва-киллари мени тўғри тушунадилар, деб ўйлайман, деди А. А. Громико.

(ТАСС).

ЖЕНЕВАДА УЧРАШУВ

ЖЕНЕВА, 17 февраль. (ТАСС). Бу ерда КПСС Марказий Коми-тети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан АҚШ дав-лат секретари, президентнинг мил-лий хавфсизлик бўйича ердамчи-си Г. Киссинжер ўртасида музо-каралар бошланди.

Икки томонлама, шунингдек халқаро ҳарактердаги бир қанча масалалар муҳомада қилинди. Улар орасида Европада хавфсиз-лик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш ишнинг бориши, Кипр проблемаси ҳамда СССР билан АҚШ ўртасида стратегик курут-яроларни чеклаш тўғрисидаги ян-

ги узоқ муддатли битимни тайёр-лашга тааллуфли масалалар бор.

Музокараларда Совет томони-дан СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добрынин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев, СССР ташқи иш-лар министриги коллегиясининг аъзоси Г. М. Корниенко ва ми-нистрнинг катта ёрдамчиси В. Г. Макаров; Америка томонидан — АҚШнинг СССРдаги элчиси У. Стессел, давлат секретариини ўринбосарлари Ж. Сиско ва А. Хартман, давлат департаменти-нинг масъул ходимлари Х. Соин-нефелд ва У. Хайланд қатнаш-дилар.

Музокаралар давом эттирилади.

ЛЕНИНГРАД САФАРИДАН ҚАЙТИБ КЕЛИШДИ

Буюк Британия Бош министри Гар-ольд Вильсон 16 февралда Ленин-граддан Москвага қайтиб келди.

Ташқи ишлар ва ҳамдустлик иш-лари министри Ж. Каллаган, бошқа расмий кишилар ҳам у билан бир-га келдилар.

Буюк Британия ва СССРнинг дав-лат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромда Г. Вильсонни ва унга ҳамроҳ бўлган кишиларни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архипов, СССР министри кутиб олдилар.

Бош министрга ҳамроҳ бўлиб бор-ган СССР Министрлар Совети Ра-исининг ўринбосари В. А. Кириллин ва СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари С. П. Козирев ҳам Буюк Британия Бош министри билан бир-га Ленинграддан қайтиб келдилар.

(ТАСС).

ТАСС БАЁНОТИ

Кейинги кунларда Кипрда вазият яна мураккаблашди. Турк қабиласининг раҳбари орол территориясининг Туркия қўшнларига эгаллаган қисмида алоҳида давлат ташкил этиш юзасидан бир томонлама қарор қабул қилди. Бу тадбир Кипр Республикаси ишига таъсирдан қурулган аралашув натижа-сида юз берган аҳволни амалда сақлаб қолишга қаратилган.

Никозияда Кипр давлатининг ички тузиллиши масалаларини ҳар иккала томон учун адолат-ли тарзда бартафак этиш мақ-садида қабилалар ўртасида му-зокаралар олиб борилаётган бир пайтда маъмур тадбир амалга оширилди. Шундай қи-

либ, НАТОнинг муайян доира-лари можарони бартафак этиш жараёнини барбод қилишга ва Кипр халқининг манфаатларига хилоф равишда оролдаги қабил-аларни бир-биридан ажратиш-га урингандиги яна бир бор ошқор бўлди.

Бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Кипрдаги сайлаб қўйилган до-нуний ҳукумати қўллаб-қув-ватлашга ва Кипр Республика-сининг суверенитетини, муста-қиллигини, территориал бутун-лигини таъминлашга, аянабий қўшнларини дарҳол қўчқариб юбориб, Кипрнинг ички тузи-лиш масалаларини ҳал этиш имкониятини кипрликларнинг

ўзига беришга қаратилган қар-орларига таъомилла хилофдир. Совет Иттифоқи Кипрда мо-жаро келиб чиққан кунлардаёқ Кипр давлатининг мустақилли-ги, суверенитети ва территори-ал бутунлигини назорат қи-лан ҳимоя қилди, унинг қону-ний ҳукуматини қўллаб-қув-ват-лади. Совет ҳукумати Кипр проблемасини НАТОга аъзо бўлган давлатларнинг тор дои-расида ҳарбий куч ёрдамида ва сийсий зуравонлиг йўли билан ҳал этишга уриниш жиндий оқибатларга олиб келишни му-мкин эканлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтди.

Маълумки, Совет Иттифоқи тинчлик ва халқаро хавфсиз-

лик манфаатларига амал қи-либ, Кипр проблемасини кенг халқаро аниқуманда қараб чи-қишни ва шу мақсадда БМТ доирасида муътабар конферен-ция чакришини таъкиф этган эди ва бу таъкифни Кипр ҳу-кумати ҳамда бошқа кўпгина мамлакатлар ҳукуматлари қўл-лаб-қувватлаган эди. Кипрдаги вазиятнинг ҳозирги ривож-и Кипр проблемасини худди мада шунадай тарзда ҳал этиш асо-ли ва зарур эканлигини яна бир марта кўрсатиб турибди.

Совет ҳукуматининг раҳбар доиралари юз берган вазият Кипр ҳусусида Бирлашган Мил-латлар Ташкилоти қарорларини дарҳол тўла ҳажимда бажариш-ни талаб қилади, деб ҳисоблай-дилар. Мада шунга қўмала-шиш ва Кипрнинг мустақил су-верен ва территориал яхлит давлат шаклида сақлаб қолиш учун қатъий қоралар қуриш — барча давлатларнинг буртидир.

ЯКУНДОВЧИ ЙИЛНИНГ ЮКСАН МАРРАЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

Пахта териш машиналарининг мингларча механик-ҳайдовчилари масвудда машина билан пахта теришда юксак натижаларга эришдилар. Энг яхши - механик ҳайдовчилар, 1974 йилдаги социалистик мусобақа қўлиблари 300-500 тоннадан ва бундан ортиқ пахта териб, фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Чиноз районидagi Киров номи колхоздан Турсунбой Оқунов, Бобот районидagi «Коммуна» колхозидан Гулсал Полвонова, Шеробот районидagi Юсупов номи совхоздан Чинилов Худоберова, Пахтакор районидagi Кичанов номи совхоздан Аҳмад Валиев, Пахтачи районидagi Калинин номи колхоздан Бобочер Шокиев, Амударё районидagi Крупская номи колхоздан Қозоқ Камолов, Бўна районидagi «Октябрь 40 йилгил» колхозидан Сервер Усеинов, Иштихон районидagi «Октябрь» колхозидан Тошпой Худобергенов, Дўстлик районидagi Ленин номи совхоздан Тўлан Дадақонов, Бўденгий номи совхоздан Яниқул Рустамов, «Ромитон» совхозидан Аҳмад Ҳамроев ва бошқа кўп кишилар шулар жумласидандир.

Деҳқонлик маданиятини умумен юксалтириш, техника тараққиётини, фан ва илгор тажриба ютуқларини жорий қилиш, алмашлаб экинни ўзлаштириш, пахтанинг вилта чидамли янги юқори ҳосили навларини экин — юбилей йилида пахтачиликни ривожлантириш ҳосилида улкан ютуқларни қўлга киритишда катта роль ўйнади. Ўзга тупларнинг қалинлигини ошириш учун ҳамма жойда олиб борилган кураш муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қишлоқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам ажойиб муваффақиятларга эришилди. Ғаллакорлар давлатга 540 минг тонна, ён халқ ҳўжалик планига мўлжалланганидан 113 минг тоннадан зиёд дон, шу жумладан пилла мўлжалланган 164 минг тонна ўрпага 217 минг тонна шол сотдилар. Халқ ҳўжалик плани сазавот таёрлаш соҳасида 123 процент, полиз экинларини тайёрлашда 130, картошка тайёрлашда 129, мева тайёрлашда 107, узум тайёрлашда 104, гўшт тайёрлашда 107, сут тайёрлашда 113, тухум тайёрлашда 115, жун тайёрлашда 103, қорақўл тери тайёрлашда 102, пилла тайёрлашда 105, дуб экинларини етиштиришда 102, тамани етиштиришда 107 процент бажарилиди. Мол туғи ва паррандалар сони орди, уларнинг махсулдорлиги кўпайди, чорва молларини ўрчиб кўпайтириш яхшиланди, чорвачилик озуқа базаси мустаҳкамланди. Озуқа тайёрлаш плани 110 процент, сенаж бостириш плани 114, силос бостириш плани 113 процент бажарилиди, 78 минг тонна витамин талқони тайёрланди. Чорвачиликни концентратлаш, ихтисослаштириш, кооперативлаш ва саноат негизига кўчириб юзасидан конкрет тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ бинокорлари яхши меҳнат қилишди. Улар кўп миқдорда мактаб, ўй-жой биноларини қуришди, қўчаларга асфальт ётқизишди, ишлаб чиқариш ва чорвачилик биноларини, маданий-маиший объектларини ва бошқа объектларни барпо эттишди.

Республика қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлар таърифи билан тартибсизан муваффақиятлар суратда амалга ошириш. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳўкуматининг доний макбурига ва ёрдами натижаси, колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ ҳўжалиги ва сув ҳўжалиги мутахассисларининг фидокорона меҳнати, партия, совет, касба союзи, комсомол ва қишлоқ ҳўжалик органлари моҳирлиги билан олиб борган таъкилотчилик ишлари натижасидир.

Шу билан бирга муваффақиятлар билан бир қаторда камчиликларни кўрсатиш нотўғри бўлар эди. Барча колхоз ва совхозларда ҳам деҳқончилик ва чорвачилик махсулотлари етиштириш кўпайтириш учун мавжуд резерв ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилди, деб бўлмайди. 1974 йилда 2 район, 45 колхоз, 19 совхоз ва 2500 га яқин пахтачилик бригадаси пахта тайёрлаш планини бажармади. Улар 80 минг тоннага яқин пахта беролмай қолди. Бундан ташқари 172 ҳўжалик ҳар гектар ердан 25 центнердан кам пахта ҳосили олиди.

Баъзи ҳўжаликларида ўзга парварини агротехникаси соҳасида жиддий нуқсонлар йўл қўйилди, минерал ўғитларини солиш нормалари, усул ва мuddатлари ривож қилинмади, ер, сув ресурслари, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан умумий фойдаланиш каби қоллар рўй берди. Айрим колхоз ва совхозларда фан ютуқлари ва илгор ҳўжаликларини тажрибаси сўст жорий қилинмади, алмашлаб экин сўст ўзлаштирилмади, машина билан таъришлан пахтанинг салмоғи паст, етиштириладиган ҳосил билиригига кўп меҳнат сарф қилинмоқда, ўғитлар ва қишлоқ ҳўжалик техникасидан фойдаланиш ҳамда уларни сақлашда жиддий камчиликлар бор.

1974 йилда кўп ҳўжаликлар ҳосилдорлик камлигини орқасида дон, картошка сазавот, полиз экинлари ва озуқа экинларини етиштириш планини бажармади. Богдорчилик, узумчилик ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа бир қанча тармоқларини ривожлантиришда муайян камчиликлар бор. Чорвачиликда мол боқилишини илгор методлари сўст жорий қилинмади, фермаларда сермеҳнат ишларни механизациялаштириш даражаси паст, кооперативлаш ва йил қишнинг, бўрдоқига боқил комплексларини, паррандачилик фабрикалари, охишта ес заводлари, цехлари ва бошқа чорвачилик корхоналарини қуриш асосида колхозлар, совхозлар чорвачилик корхоналарини ривожлантиришга кам эътибор берилмоқда. Кўпгина ҳўжаликларда мол туғи ва паррандалар сони сўст ортиб бормоқда, кўпгина урғочи молларнинг қисир қилиниши йўл қўйилмоқда, махсулдорлик паст даражада. Ҳамма жойда ҳам озуқа базасини мустаҳкамлаш, бедазорларни, дон учун ва силос учун екиладиган маккажўхори майдонларини кенгайтиришга тегишли эътибор берилмаётган, ана шу экинларнинг ҳосилдорлиги паст.

Совет ҳалқи бу йил Улуг Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 30 йиллигини нишонлайди. Биз, республика қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари ана шу тарихий санани нишонлаш учун беш йилликнинг якуновчи йили бошланадиган эр байрат билан меҳнат қилишга киришдик. Биз КПСС Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленумининг қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет ҳалқига Мурожаати, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦПСИ ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1975 йилда деҳқончилик ва чорвачилик махсулотлари етиштириш ва тайёрлаш кўпайтириш ҳамда тўққизинчи беш йилликнинг муваффақиятлар якуновчи ушун қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш бўйича таъришларнинг бошқаруви ҳўкуматининг мусобақасини ўзлаштириш бўйича қарорига жавабан социалистик мусобақани янада кенг аниқ олдирмади ва «Камроқ чиқиб қилиб, кўприк, сифатироқ махсулот берайлик» шiori остида меҳнат қилишди.

Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленумида сўзлаган нутқида бундай деди: «1975 йилда мамлакат олдига буюк иқтисодий, сийсий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган вазифалар турибди. Бутун партияни, бутун халқни ана шу вазифаларни хал элтига олдиштириш, партия активини илҳомлантириш керак, беш йиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун кураш — ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир меҳнатчининг чўқур ички, шахсий эътиҳи бўлиб қоллишига эришмоқ керак».

Биз, курултой қатнашчилари Ўзбекистондаги колхоз ва совхозларнинг барча меҳнаткашлари номидан беш йилликнинг якуновчи 1975 йилда қўйилган социалистик макбуриятларини қабул қиламиз.

1. 5,2 миллион тонна пахта, шу жумладан 250 минг тонна илгичка толали пахта етиштириб, давлатга топшираимиз.

Ҳар гектар ердан камиди 31 центнердан пахта оламиз. Биринчи навбатда турган ана шу вазифани муваффақиятли бажариш учун барча кўп, билим ва тажрибасизлиги кўп дала ишчиларини намунави ўтказишга сафарбар қиламиз. Чигит экинни агротехника жиҳатидан энг қўлай мuddатларда ва юқори сифатли қилиб ўтказамиз, ўзгани парвариш қилиш соҳасида агротехника тадбирлари комплексини амалга оширамиз.

Техникани янада тараққий эттириш, комплекс механизацияни кенг жорий қилиш, бутун қишлоқ ҳўжалик техникасининг самардорлигини ошириш, ҳар бир трактор агрегатидан қўл унумли фойдаланиш учун курашамиз. Пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинлари етиштиришнинг прогрессив усулларини кенг қўлланганин таъминлаймиз. 540 минг гектар майдонга чигитни белгиланган миқдорда экамиз, 820 минг гектар майдонга қатор орадарини кенг олиб экамиз ва 760 минг гектар майдондаги ўзгани машина ёрдамида чеканка қиламиз. Ўзга дефолациясини оптимал мuddатларда ўтказганин таъминлаймиз ва камиди 3 миллион тонна пахтани машинада териб оламиз. Етиштириладиган пахтанинг ҳар центнерига меҳнат

сарфини 25,9 киши-соатгача қисқартирамиз. Алмашлаб экиладиган майдонларга беда уруғи экамиз, экинларнинг яхши парвариш қилинишини таъминлаймиз.

2. Камиди 137 минг гектар янги ва бўз ерларни ўзлаштириб, қишлоқ ҳўжалик оборотида киритамиз, 143 минг гектар майдоннинг мелiorация ҳолатини яхшилаймиз, 49 минг гектар майдонни яхшилаб текислаймиз.

3. Латмирор ва сўғириладиган ерларда ғаллачилик ҳўжалигини янада ривожлантиришни таъминлаймиз, камиди 2350 минг тонна дон, шу жумладан гектар бошига 45 центнердан ҳосил кўтариб 330 минг тонна шол етиштирамиз.

Маккажўхори дони етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берамиз. Бунинг учун камиди 2000 та комсомол-ёшлар маккажўхорилик бригадасини тузимиз. Маккажўхори ҳосилдорлигини гектар бошига камиди 70 центнергача етказишга эришамиз ва 1035 минг тонна дон етиштирамиз.

Давлатга 600 минг тонна дон, шу жумладан 262 минг тонна шол сотамиз. Келгуси йил экин учун ҳар бир ҳўжаликда ўзига етиштирилган нави уруғларни етарли миқдорда жамғаришга эришамиз.

4. 250 минг тонна қаноп қисми ва 21,6 минг тонна тамани гектар етиштириб, давлатга сотамиз.

5. Колхоз ва совхозларда 985 минг тонна сазавот, 277 минг тонна картошка, 600 минг тонна полиз махсулоти, 261 минг тонна мева, 343 минг тонна узум етиштирамиз.

Ҳўжаликларнинг барча категориялари бўйича давлатга 880 минг тонна сазавот, 100 минг тонна картошка, 423 минг тонна полиз махсулотлари, 160 минг тонна мева, 246 минг тонна узум сотамиз.

Бог ва тоқзорлар майдонини кўпайтириб, уларни яхши парвариш қилишни таъминлаймиз.

6. Чорвачилик махсулотлари етиштириш лияда кўпайтириш мақсадида колхозлар ва давлат ҳўжаликларида 1975 йилнинг охирида қорамоллар туғини 1468 минг бошга, шу жумладан сийғирларни 400 минг бошга, қўчаларни 378 минг бошга, қўй ва эчкиларни 7345 минг бошга, ва парранда сони 10695 мингтага етказамиз. Чорва ва паррандалар озуқаларини ва боқилини яхшилаб, шу асосда уларнинг махсулдорлигини оширамиз. Ҳар бир соғин сийғирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 2100 килограммга етказамиз, тухум қиладиган ҳар бир товуқдан 150 тадан тухум оламиз.

Чорва молларини бутун йил давомида бўрдоқига боқилиш ва ёз фаслида ялғабди боқилиш таъкил қиламиз, ҳар бир боғ қорамолнинг ўртача гўштга топшириш вазини 365 килограммга, қўчаларнинг вазини 115 килограммга, қўйларнинг вазини 44 килограммга етказамиз. Ҳар 100 боғ сийғирдан камиди 80 тадан бузоқ, ҳар 100 боғ урғочи қўчалардан 2500 тадан қўча боласи, ҳар юз боғ совлиқдан 120 тадан қўча ва ҳар юз боғ урғочи эчкидан 120 тадан улоқча олишга эришамиз.

Колхозлар, совхозлар ва бошқа ҳўжаликларида тирик вазиди 234 минг тонна гўшт, 680 минг тонна сут, 685 миллион дон, тухум, 16,5 минг тонна жун етиштирамиз.

Барча категориядаги ҳўжаликлар бўйича давлатга 205 минг тонна гўшт, 525 минг тонна сут, 600 миллион дон, тухум ва 24,5 минг тонна жун сотамиз.

Чорвачиликда насликлик ишни яхшилаймиз, урғочи молларни сунуий ўрчиштириш ва барча ветеринария-профилактика тадбирларини ўз вақтида ўтказганин таъкил қиламиз, фермаларда намунави санитария-тартибни ўрнатамиз. Колхоз ва совхозларда йилчиликнинг, қўғичиликнинг, асарчиликнинг ривожлантириш учун ҳамма чораларни қурамиз.

Чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилишига эришамиз. Жамоат чорва моллари ва паррандалар талаб қилинган миқдорда юқори сифатли, хилма-хил озуқа билан таъминлаймиз. Қўч озуқа ва силос бостириш учун ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда камиди 350 центнердан маккажўхори ва оқ жўхори етиштирамиз, илгари экинган сўғириладиган ерларнинг ҳар гектаридан 120 центнердан беда пичанли ўриб оламиз. Барча озуқабон экинларни ўз вақтида, қисқа мuddатларда ўриб-йиғиб олиб, 4600 минг тонна хашак тайёрлаймиз, 3600 минг тонна силос, 1840 минг тонна сенаж бостирамиз, 130 минг тонна витаминли ўт талқони ва 90 минг тонна дондор озуқа тайёрлаймиз.

Фермаларда комплекс механизация ва электрлаштириш жорий этамиз, махсулот сифатини оширишга ва унинг танларини камайтиришга эришамиз.

7. 22,3 минг тонна пилла етиштириб, давлатга сотамиз. Йил кўпти уруғини боқилишини илгор методларини бундан буюк ҳам жорий этавемиз, пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаймиз.

8. Колхозларнинг жамоат маблағларидан гўт самарли фойдаланишга, колхоз Уставига ва давлат интизонига қатъий риоя қилинишига эришамиз. Иқтисодий иш, меҳнатни таъкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш форма ва методларини тинмай тақомиллаштирамиз. Қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида меҳнат унмдорлигини оширишга эришамиз.

Қардош пахтакор республикаларнинг анъанавий социалистик мусобақаси макбуриятларини бажариш учун курашда жуда катта роль ўйнамоқда. Улуг кўп миллатли мамлакатимиз халқлари бўлимас дўстлиги рами бўлган буюк мусобақа барча мавжуд резерв ва имкониятлардан бир мунча тўлиқ фойдаланишни таъминлашга ёрдам беради.

Биз, Ўзбекистон пахтакорлари ва қишлоқ ҳўжалигини барча меҳнатчилари мусобақадон қардошларини — Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон қишлоқ ҳўжалиги меҳнатчиларини беш йилликнинг якуновчи йилида меҳнатда янгида-янги сафарларга эришмоқ учун ана шу анъанавий мусобақани давом эттиришга қарамиз.

Биз Қорақалпоғистон АССР бўйича ва ҳар бир област бўйича қўйилган қўрсаткичларга эришиш макбуриятини оламиз.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР БУЙИЧА

Ҳар гектар ердан камиди 30 центнердан пахта етиштириб, давлатга 350 минг тонна пахта сотамиз.

Аниқ миқдорда экиладиган саялалар билан 30 минг гектар майдонга, кенг қаторлаб эса 70 минг гектар майдонга чигит экамиз, 30 минг гектар майдондаги ўзгаларни механизатор ёрдамида чеканка қиламиз, камиди 250 минг тонна пахтани машиналарда териб оламиз. Етиштириладиган пахтанинг ҳар бир центнерига меҳнат сарфини 24,5 киши-соатгача камайтирамиз.

17 минг гектар ерин, шу жумладан колхозлар маблағи ҳисобига 1000 гектар ерин, ўзлаштириб, қишлоқ ҳўжалик оборотида киритамиз, 14 минг гектар майдонни пухта текислаймиз, 20 минг гектар майдондаги ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилаймиз.

